


AJ «UZBAT A.O.» QK
АКЦИЯДОРЛАРИННИГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИГИЛИШИ ТОМОНИДАН
2022 ЙИЛ 27 МАЙДА «ТАСДИҚЛАНГАН»

ГАДАЙБАЕВ Т.У.
AJ «UZBAT A.O.» QK
БОШ ДИРЕКТОРИ



AJ «UZBAT A.O. » QK

(«УЗБАТ»)

КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲАҚИДА

НИЗОМ

(ЯНГИ ТАҲРИРДА)

ТОШКЕНТ 2022

Ушбу АЖ “УЗБАТ А.О.” КК Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (“Низом”) “Акциядорлик жамиятнлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 74-78 моддалари қоидалари асосида ишлаб чиқилган. “Акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 29-мартдаги ЎРҚ- 760 – сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни билан қабул қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш” ва УЗБАТ ўстравинг 26 моддаси янги таҳрида.

1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда, ЎЗБАТ Уставида ишлатиладиган, қуйида белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»

Тошкент шахар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик суюъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради 8 июн 2022 йил, рўйхатга олиш рақами 1246

«Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилиши»

Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

«Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши»

Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

«Кузатув кенгаши»

Уставнинг 25-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

«Бош Директор»

Уставнинг 30-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

«Тафтишчи»

Уставнинг 35-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

«Аудиторлик ташкилоти»

УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш учун тайинланадиган аудиторлик ташкилотини билдиради.

1.2 Изоҳлар

Мазкур Низомда, агар контекст бошқасини талаб этмаса, фақат бирлик сонида ифодаланган сўзлар, кўплик сонини ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

2. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

- 2.1 Мазкур Низом УЗБАТ Кузатув Кенгашининг мақомини ва унинг иш регламентини, Кузатув Кенгашига аъзолар сайлаш тартиби, ҳамда уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини белгилайди.
- 2.2 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунининг 26.04.1996 йилдаги янги таҳририга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ва УЗБАТ Устави янги таҳрири асосида ишлаб чиқилган.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ

- 3.1 Кузатув Кенгаши УЗБАТ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунчилик ва ушбу устав билан Акциядорлар Умумий мажлисининг алоҳида ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш - бундан истисно.
- 3.2 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг ваколатларига куйидагилар киради:
 - 3.2.1 УЗБАТ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - 3.2.2 Акциядорлар Йиллик ва Навбатдан ташқари Умумий мажлисларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан истично;
 - 3.2.3 УЗБАТ Акциядорлари Умумий мажлисининг кун тартибини тайёрлаш;

- 3.2.4 УЗБАТ Акциядорлари Умумий мажлиси ўтказиладиган санаси, вақти ва жойини аниқлаш;
- 3.2.5 Акциядорлар Умумий мажлиси ўтказилиши ҳақида хабар бериш учун УЗБАТ Акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилайди;
- 3.2.6 амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган масалаларни Акциядорлар Умумий мажлисига киритиш, УЗБАТ Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш, ҳамда УЗБАТ Уставининг янги таҳририни тасдиқлашни ўз ичига олган ҳолда;
- 3.2.7 УЗБАТ мулкининг бозор қийматини ўрнатишни ташкил этиш;
- 3.2.8 УЗБАТ Акциядорлари Умумий мажлисида тасдиқлаш учун УЗБАТ Саноқ комиссиясининг миқдорий ва ходимлар таркиби бўйича таклифларни тасдиқлаш;
- 3.2.9 Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, Ички аудит хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини тинглаш. УЗБАТ Ички аудит хизмати ҳақидаги Низомни тасдиқлаш;
- 3.2.10 аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш»;
- 3.2.11 УЗБАТ Тафтишчисига тўланадиган мукофотлар ва товон пулларининг миқдорлари бўйича тавсиялар бериш;
- 3.2.12 Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;
- 3.2.13 УЗБАТ Захира жамғармаси ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;
- 3.2.14 Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини тузиш/тугатиш;
- 3.2.15 УЗБАТ ваколатхоналари филиалларини тузиш/тугатиш ва очиш/ёпиш;
- 3.2.16 Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- 3.2.17 Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, ваколат шахслар билан битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- 3.2.18 Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда тижорат ва нотижорат ташкилотларда УЗБАТ иштироқи блан боғлиқ бўлган битимлар тузиш;
- 3.2.19 УЗБАТ Бош директорининг УЗБАТ бизнес-режасининг бажарилиши ҳақидаги ҳар чорақлик ҳисботини тинглаш ва тасдиқлаш;
- 3.2.20 УЗБАТ Устав Фондини ошириш, ҳамда УЗБАТ Устав Фондига УЗБАТ Устав Фондини ошириш билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритиш;
- 3.2.21 Қонунчиликка биноан акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш (қимматли қоғозларни биржа ва ташкилий биржа бозорига қўйиш);
- 3.2.22 Жамият томонидан корпоратив, шу жумладан конвертацияланадиган акциялар чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- 3.2.23 ясама қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- 3.2.24 Жамият корпоратив облигацияларини сотиб олиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- 3.2.25 УЗБАТ ижро органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- 3.2.26 Ижро органига ва УЗБАТ Ижро органи раҳбарига тўланадиган мукофотлар ва коменсациялар миқдорларини белгилаш;
- 3.2.27 УЗБАТ йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда УЗБАТ кейинги йилги бизнес-режаси УЗБАТ Кузатув Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан маъқулланган бўлиши керак;
- 3.2.28 Мазкур Устав ва амалдаги қонунчилик билан Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;
- 3.2.29 УЗБАТ Ижро органи фаолиятига тегишли бўлган ҳар қандай хужжатлардан фойдаланиш, УЗБАТ Кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун уларни УЗБАТ Ижро органидан олиш. Олинган хужжатлардан УЗБАТ Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин.

- 3.3 Кузатув Кенгаши қонунчилик билан ўрнатилган корпоратив бошқариш нормаларига риоя қилиш бўйича УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишида ҳисбот беради.
- 3.4 Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни, Ижро органи томонидан ҳал қилиниши учун бериб юбориш мумкин эмас..
- 3.5 Акциядорлар Умумий Йиғилишининг қарори билан УЗБАТ Кузатув Кенгаши аъзоларига ўз хизмат вазифаларини бажариш муддати ичida, пул мукофотлари ва/ёки уларнинг ўз

мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган харажатларни қопладиган товоң пуллари тўланиши мумкин. Бундай пул мукофотлари ва товоң тўловларининг миқдорлари УЗБАТ Акциядорлари Умумий Йиғилишининг қарори билан ўрнатилади.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

- 4.1 УЗБАТ Кузатув Кенгashi 5 (беш) кишидан иборат. Кузатув Кенгашининг миқдорий таркиби УЗБАТ Акциядорлар Умумий Йиғилишининг қарори билан ўзгартирилади.
- 4.2 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг аъзолари Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан қонунчиликда ва УЗБАТ Уставида назарда тутилган тартибда уч (3) йил муддатга сайланади
- 4.3 Кузатув Кенгashi аъзоси Кузатув Кенгashi таркибидан автоматик тарзда ёки қуидаги ҳолларда чиқарилади:
- 4.3.1 Унга қонун билан Кузатув Кенгashi аъзоси вазифасини бажариш ман этилган бўлса;
 - 4.3.2 У суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилса;
 - 4.3.3 У жиноят учун суд томонидан судланган бўлса;
 - 4.3.4 У руҳий касал деб тан олинса ва Кузатув Кенгашининг бошқа аъзолари фикри бўйича ўзишини тўғри юрита ололмайди деб ҳисобланса
- 4.4 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг таркибига мазкур Низомнинг 4.3.1 – 4.3.4 бандлари нинг низомлари тадбиқ этиладиган шахслар сайланishi мумкин эмас.
- 4.5 УЗБАТ Кузатув Кенгashi аъзолари таркибига танланган шахслар, чегараланмасдан қата сайлинишлари мумкин. Акциядорлар Умумий Йиғилишининг қарорига кўра УЗБАТ Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзоси (аъзолари)нинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилиги мумкин.
- 4.6 УЗБАТда ишлайдиган шахслар меҳнат шартномаси (контракти) бўйича Кузатув Кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 4.7 Кузатув Кенгashi аъзолари Кузатув Кенгашининг у ёки бошқа қарорларини қабул қилишига таъсир кўрсатганликлари учун бевосита ёки билвосита мукофотлар олиш ҳукуқига эга эмас.
- 4.8 Кузатув Кенгashi аъзолари УЗБАТ имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳукуқларга, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятларига, УЗБАТ фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлар) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланиш ҳукуқларига эга эмаслар.
- 4.9 УЗБАТ Акциядорлари Умумий йиғилиши УЗБАТ Кузатув Кенгashi таркибига сайланадиган шахсларга бўлган қўшимча талаблар ўрнатилиши мумкин.
- 4.10 Кузатув Кенгashi аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда акциядорларга тегишли бўлган овозлар сони УЗБА Кузатув Кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади, ва Акциядорлар бундай тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришлари ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзод ўртасида тақсимлаш ҳукуқига эгадирлар. Энг кўп овоз йиққан номзодлар Кузатув Кенгashi таркибига сайланган ҳисобланадилар.

5. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ РАИСИ ВА КОТИБИ

- 5.1 УЗБАТ Кузатув Кенгashi аъзолари сайланган Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўтказилгандан сўнг Кузатув Кенгашининг биринчи мажлисида Кузатув Кенgashi ўз таркибидан Кузатув Кенgashi аъзоларининг мажлисида иштирок этаётганлар ва овоз берганларнинг оддий кўпчилик овози билан Раис сайлайдилар.
- 5.2 УЗБАТ Кузатув Кенgashi Кузатув Кенgashi аъзоларининг мажлисида иштирок этаётганлар ва овоз берганларнинг кўпчилик овози билан ўз Раисини қайта сайлаш ҳукуқига эга.
- 5.3 Кузатув Кенgashi Раиси:
- 5.3.1 Кузатув Кенgashi ишини ташкил этади;

- 5.3.2 Кузатув Кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади;
- 5.3.3 Кузатув Кенгаши мажлисларида Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомасини олиб борилишини ташкил этади;
- 5.3.4 Агар Кузатув Кенгаши томонидан бундай ваколатлар бошқа шахсга берилмаган бўлса, УЗБАТ номидан Бош Директорни ёллаш тўғрисида шартнома тузади.

- 5.4 Кузатув Кенгашининг Раиси бўлмаган ҳолларда, унинг вазифаларини Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.
- 5.5 Кузатув Кенгашининг аъзолари УЗБАТ Кузатув Кенгаши ва Акциядорларининг Умумий йигилиши баённомаларини олиб борувчи Котиб тайинлайди.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСЛАРИ

- 6.1 Кузатув Кенгашининг мажлислари зарурат туғилганда ўтказилади.
- 6.2 Кузатув Кенгашининг мажлиси Кузатув Кенгаши Раиси томонидан чақирилади:
- Унинг шахсий ташаббуси билан;
 - Кузатув Кенгаши аъзосининг талабига кўра;
 - Тафтишчининг талабига кўра;
 - Бош Директорнинг талабига кўра.
- 6.3 Кузатув Кенгаши мажлисини чақириш ташаббускори Кузатув Кенгаши аъзоларига мажлис чақирилиши ҳақида хабарнома жўнатиш орқали хабар бериши лозим.
- 6.4 Кузатув Кенгаши мажлисини чақириш ҳақидаги хабарнома куйидагилардан иборат бўлиши керак:
- Кузатув Кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, вакти ва жойи;
 - Мажлис кун тартиби.
- 6.5 Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси бундай хабарнома олганидан сўнг 10 кун муддат ичida Кузатув Кенгаши Раисига кун тартибига киритиш учун қўшимча масалалар рўйхатини тақдим этиши лозим.
- 6.6 Кузатув Кенгаши аъзоси томонидан киритилган масала, Кузатув Кенгаши мажлисининг кун тартибига киришилиши лозим, қўйидаги ҳоллар бундан истисно:
- Агар кузатув Кенгаши аъзоси мазкур Низомнинг 6.5 бандида ўрнатилган муддатга риоя қилмаса;
 - Таклифлар қонунқилик ва/ёки УЗБАТ Устави талабларига мос келмаса.
- 6.7 Кузатув Кенгаши мажлисларида кун тартибida кўрсатилган масалалар кўриб чиқилади. Бирок, УЗБАТ Кузатув Кенгиши барча аъзоларининг бир овоздан қабул қилинган қарори бўйича, Кузатув Кенгаши кун тартибига кўшимча масалалар киритиши ва кўриб чиқиши мумкин.
- 6.8 Кузатув Кенгаши мажлислари телефон конференияси тизими ёки шахсий иштироки билан ўтказилиши мумкин. Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзоси овоз беришда иштирок этиши ва у мажлислада жисмоний иштирок эта олмаса телефон орқали овоз бериши мумкин. Бунда, Кузатув Кенгашининг Раиси бундай таклиф тушган тақдирда, шундай телефон алоқасини ташкил этиши учун барча зарур чораларни кўриши лозим. Агар мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзоси билан телефон алоқаси узилиб қолган тақдирда, мажлис телефон алоқаси тиклангунгача тўхтатиб турилади.
- 6.9 Кузатув Кенгашининг қарорлари Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртқи овоз бериш (сўров) йўли билан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Кузатув Кенгашининг бундай қарорлари ёзма Резолюция билан расмийлаштирилади. Бундай ёзма Резолюцияларга мазкур Уставнинг Кузатув Кенгашининг мажлисида овоз бериш тартиби ва кворумига тегишли бўлган низомлари қўлланилади. Ёзма равишда расмийлаштирилган ва Кузатув Кенгашининг айни дамда ҳақиқий аъзолари томонидан имзоланган (қабул қилинган қарорни маъкулловчи) ёзма

Резолюция Кузатув Кенгашининг мажлисида худди шу тарзда қабул қилинган Резолюция каби кучга эга. Бундай ёзма Резолюция Кузатув Кенгашининг бир ёки бир неча аъзолари томонидан имзоланган адекват шаклдаги бир ёки бир неча хужжатда бўлиши мумкин.

- 6.10 Кузатув Кенгашининг Мажлисида баённома юритилади. Кузатув Кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кечикирилмасдан ўтказилади.
- 6.11 Кузатув Кенгashi мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- мажлис ўтказиладиган сана, вақти ва жойи;
 - мажлисида иштроч этувчиларнинг сони;
 - мажлис кун тартиби;
 - овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
 - қабул қилинган қарорлар.
- 6.12 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг Котиби Кузатув Кенгashi мажлисларининг баённомасини юритади.
- 6.13 УЗБАТ Кузатув Кенгashi мажлисининг баённомаси, баённоманинг тўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар бўлган УЗБАТ Кузатув Кенгashi аъзолари томонидан имзоланади.
- 6.14 УЗБАТ Кузатув Кенгashi мажлисининг баённомаси имзоланган куннинг УЗБАТ Ижро органига ижро этиш учун бериб юборилади. Кузатув Кенгashi томонидан Акциядорларнинг Умумий йигилиши чакириш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги маълумот Кузатув Кенгашининг мажлиси ўтказилган кунда УЗБАТ Ижро органига бериб юборилади.
- 6.15 Кузатув Кенгashi томонидан Акциядорларнинг Умумий йигилиши чакириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарор ҳақидаги маълумот уни ўтказиш кунининг ўзидаёқ Ижро органига бериб юборилади.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИННИГ КВОРУМИ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

- 7.1 Мажлис ўтказиш учун кворум Кузатув Кенгashi танланган аъзоларининг 75% (етмиш беш фоизини) ташкил этади.
- 7.2 Кузатув Кенгashi аъзоларининг сони 75% (етмиш беш фоиз) дан кам бўлса, УЗБАТ Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йигилишини чакириши шарт. Кузатув Кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг фақат шундай Навбатдан ташқари Умумий Йигилишини чакириш ҳақида қарор қабул қилиш, шунингдек Ижро органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган тақдирда, унинг мажбуриятларини вақтинча бажариб турувчи тайинлаш хукукларига эгадирлар.
- 7.3 Кузатув Кенгashi мажлисида қарорлари Кузатув Кенгashi аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Кузатув Кенгashi аъзоларининг мазкур бир овоздан қабул қилинган қарори талаб этилмаса, Низомнинг 3.2.20 бандида кўрсатилган қарорлар – бундан истисно.
- 7.4 Кузатув Кенгashi аъзоларининг овозлари teng бўлиб қолган тақдирда Кузатув Кенгashi томонидан қарорлар қабул қилинганда УЗБАТ Кузатув Кенгashi Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
- 7.5 Кузатув Кенгashi бир аъзоси томонидан Кузатув Кенгashi аъзосига овоз беришга йўл қўйилмайди.

- 8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**
- 8.1 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширганда, УЗБАТ манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари керак ва ўрнатилган тартибда жавобгар ҳисобланидилар.
- 8.2 Агар мазкур модданинг низомларига биноан бир неча шахс жавобгар бўлиб қолган бўлса, уларнинг УЗБАТ олдидағи жавобгарлиги солидар ҳисобланади. УЗБАТга зарар етишига олиб келувчи қарорларга қарши овоз беришда иштирок этмаган Кузатув Кенгаши аъзолари жавобгар ҳисобланмайдилар.
- 8.3 УЗБАТнинг жойлаштирилган акцияларининг камида 1% эгаси ҳисобланган УЗБАТ ёки Акциядори (Акциядорлари), УЗБАТ Кузатув Кенгашининг аъзосига нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.